АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ МАРКАЗИ ва ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ МАРКАЗИ

ЛИГАЙ РУСЛАН ЕФИМОВИЧ

ҚИЗИЛЎНГАЧ РЕКОНСТРУКТИВ-ТИКЛОВЧИ ХИРУРГИЯСИДА ГАСТРОЭЗОФАГОПЛАСТИКАНИНГ ЗАМОНАВИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

14.00.27 – Хирургия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА
ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2017

УДК: 616.33:616.329-008.1-089.844

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the of Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Лигай Руслан Ефимович
Қизилўнгач реконструтив-тикловчи хирургиясида гастроэзофагопластиканинг замонавий принциплари..... 3

Лигай Руслан Ефимович
Современные принципы гастроэзофагопластики в реконструктивно-восстановительной хирургии пищевода……... 29

Ligay Ruslan Yefimovich
Modern principles of gastroesophagoplasty in reconstructive surgery of the esophagus..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works..... 59

АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ МАРКАЗИ ва ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ МАРКАЗИ

ЛИГАЙ РУСЛАН ЕФИМОВИЧ

ҚИЗИЛЎНГАЧ РЕКОНСТРУКТИВ-ТИКЛОВЧИ ХИРУРГИЯСИДА ГАСТРОЭЗОФАГОПЛАСТИКАНИНГ ЗАМОНАВИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

14.00.27 – Хирургия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2017

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № B2017.1.Dsc/Tib105 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифасининг www.rscs.uz ва «Ziyonet» ахборот-таълим портали www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Низамходжаев Зайниддин Махаматович** тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Черноусов Александр Федорович** тиббиёт фанлари доктори, профессор
	Жураев Миржалол Дехканович тиббиёт фанлари доктори, профессор
	Хакимов Мурод Шовкатович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**«Н.Н.Петров номидаги Миллий тиббий тадқиқот онкология маркази» Федерал Давлат бюджет ташкилоти, РФ ССВ, Санкт-Петербург, Россия**

Диссертация ҳимояси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази, Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил 29 сентябр куни соат 14^{00} даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази мажлислар зали).

Докторлик диссертацияси билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (16 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2017 йил 16 сентябр куни тарқатилди.

(2017 йил 16 сентябр даги №16 рақамли реестр баённомаси).

Ф.Г. Назиров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.Х. Бабаджанов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари доктори

А.В. Девятов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти халқаро онкологик изланишларни қўллаб-қувватловчи агентлигининг (IARC) дунё миқёсидаги рак бўйича янгиланган «GLOBOCAN–2012» маълумотларига кўра «онкологик касалликлар орасида қизилўнгач раки билан касалланиш олтинчи (3%), ошқозон-ичак тракти ўсмалари орасида учинчи (ошқозон ва йўғон ичак ракидан кейин) ўринда туради ва ўлим даражаси юқорилиги ҳамда кенг тарқалганлиги сабабли тиббий-ижтимоий жиҳатдан долзарб муаммо ҳисобланади»[1]. 2015 йилда дунёда қизилўнгач ракининг дастлабки босқичи билан касалланган 425 минг ҳамда ушбу касаллик билан вафот этган 320 минг киши қайд этилган. Сўнгги ўн йилликда ушбу касаллик билан касалланиш даражаси тўхтовсиз ўсиб бормоқда. Оператив техника тараққиётига қарамасдан «бугунги кунда қизилўнгач реконструктив-тикловчи хирургияси торако-абдоминал хирургияда бирмунча мураккаб йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда»[2]. Қизилўнгач ракида бир йилгача ўлим ҳолати юқорилиги кузатилади, беморларнинг беш йилгача яшовчанлиги 3,5–13% дан ошмайди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатилишини тубдан янгилаш юзасидан ижобий натижаларга эришилди. Амалга оширилган тадбирлар натижасида, шу жумладан, «қизилўнгачда олиб борилган реконструктив-тикловчи операциялардан кейинги асоратлар учраши тезлигини камайтириш борасида ижобий натижаларга эришилди» [3] . Мамлакатимизда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам сифат жиҳатдан янги даражага кўтарилди, бу эса қизилўнгачда рекоструктив-тикловчи аралашувлар ва унинг асоратлари билан боғлиқ бўлган қайд этилган илмий-амалий муаммоларни ҳал қилишда янги имкониятлар очиб берди. Сўнгги 5 йил ичида даволаш сифати яхшиланганлиги, шунингдек, эзофагапластикадан кейин ўлим кўрсаткичининг 5% гача камайиши қайд этилмоқда, бу эса, шубҳасиз, ташхислашнинг янги информатив усулларини, шунингдек, мураккаб юқори технологик даволаш усулларининг татбиқ этилиши билан боғлиқ. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясига биноан соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва аҳолига кўрсатилган тиббий хизмат сифатини янада ошириш вазифалари қўйилган[4]. Шундан келиб чиққан ҳолда, қизилўнгач реконструктив-тикловчи хирургиясида гастроэзофагопластиканинг

---

[1] World Health Organization. Cancer: fact sheet no. 297. World Health Organization website, 2012. www.who.int/iris/handle/10665/244872

[2] Park J.Y., Shin J.H., Song H.Y. et al. Airway complications after covered stent placement for malignant esophageal stricture: special reference to radiation therapy // Am. J. Roentgenol, 2012. Vol. 198 (2). – P. 453–459.

[3] Назырова Л.А., Арифжанов А.Ш., Ибадов Р.А. Структура ранних послеоперационных осложнений в хирургии пищевода // Анестезиология и реаниматология, 2009. №4. – С. 38–42.

[4] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

замонавий принципларини ишлаб чиқиш ҳам қўйилган вазифаларни бажаришда долзарб йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Жаҳон миқёсида «қизилўнгач раки хирургиясида ошқозон трансплантант шаклланиши учун оптимал аъзо ҳисобланади. Бироқ 5–10% ҳолларда, кўпинча йирингли медиастинит ва плевра эмпиемаси ривожланиши туфайли фатал якун топувчи трансплантат некрози кузатилади»[1]. «Ошқозон трансплантантининг бўйинга кўчирилиши ошқозонни кенг кўламли мобилизация қилишни талаб этади ҳамда унинг асосий озиқланувчи томирлари қисмини боғлаш билан бирга олиб борилиб, ушбу ҳолат ошқозон трансплантантининг ишемик некрози, қизилўнгач-ошқозон анастомозининг муваффақиятсиз якун топиши каби тез-тез учровчи (ўртача 7–20%) асоратлар билан изоҳланади»[2]. Қизилўнгач раки локализацияси, кўлами, торайиш даражаси, беморнинг умумий аҳволи ва ёндош касалликлари инобатга олинган даволашнинг энг мувофиқ усулини танлашга кўрсатмалар, ушбу тоифадаги беморларни даволашнинг янги самарали усулини ишлаб чиқиш каби муаммолар бугунга қадар ўз ечимини кутаётганлиги диссертация мавзусининг долзарблиги ва заруриятини кўрсатади. Муаммонинг долзарблиги кўрсатилаётган хирургик хизмат самарадорлигини ошириш, қизилўнгач раки зарарли ва зарарсиз ўсмаларини хирургик даволаш усулларини такомиллаштириш, беморлар реабилитацияси, ногиронлик ҳолларини камайтириш ҳамда беморларда ҳаёт сифатини яхшилашдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ–1652-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Вазирлар Махкамасининг 2017 йилдаги ҚТ 19-сон «Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти фаолияти тўғрисида»ги қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар билан белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқот хам муайям даражада ёрдам беради.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.[3]

Қизилўнгач касаллиги билан оғриган беморларни хирургик даволаш ва ташхислаш натижаларининг самарадорлигини оширишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим

---

[1]Raymond D.R. The esophageal anastomosis: traditional methods to prevent leak // J. Gastrointestinal Surgeiy, 2009. – V. 13. – P. 1555–1557.

[2]Черноусов А.Ф., Хоробрых Т.В., Антонов О.Н. Профилактика недостаточности анастомозов желудочно-кишечного тракта. // Хирургия, 2005. №12. – С. 25–29.

[3]Bosetti C., Levi F., Ferlay J. et al. Trends in oesophageal cancer incidence and mortality in Europe // Int. J. Cancer, 2008. Vol. 122. – P. 1118–1129. Bothereau H., Munoz-Bongrand N., Lambert B. Esophageal reconstruction after caustic injury: is there still a place for right coloplasty? // Am. J. Surg. 2007. – V. 193. N 6. – P. 660–664. Izbicki J.R., Chernousov A.F. Surgery of esophagus. // Steinkopff Verlag. Germany 2009. p.- 387. Li B., Xiang J., Zhang Y., Hu H., Sun Y., Chen H. Factors affecting hospital mortality in patients with esophagogastric anastomotic leak: a retrospective study. WorldJSurg. 2015 Dec 17. Давыдов М.И., Бохян В.Ю., Степанов А.А. Хирургическое лечение больных раком грудного отдела пищевода // Вестник РОНЦ им. Н.Н.Блохина РАМН, 2010. №3. – С. 75–79.

муассасалари, жумладан, Johns Hopkins Hospital (Мериленд, АҚШ), Memorial Sloan-Kettering Cancer (НьюЙорк, АҚШ), Charité Cancer Center (Берлин, Германия), European Institute of Oncology (Милан, Италия), Royal Marsden (Лондон, Англия), Christie Cancer Center (Манчестер, Англия), Brazilian National Cancer Institute (Рио де Жанейро, Бразилия), Medical Center Samsung (Сеул, Жанубий Корея), National Cancer Center (Чиба, Япония), Российский онкологический научный центр имени Н.Н.Блохина (Москва, Россия Федерацияси), Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Дунёда қизилўнгач касалликлари билан оғриган беморларни даволашга йўналтирилган илмий тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: қизилўнгач кўкрак қисми ракини радикал усулда даволашнинг ягона йўли хирургия эканлиги аниқланган, бироқ бундай реконструктив операцияларни бажариш нафақат ушбу органнинг мураккаб анатомиясини, балки жарроҳликнинг замонавий усуллари ва принципларини ҳам билишни талаб этади (Российский онкологический научный центр имени Н.Н.Блохина, Москва, Россия Федерацияси); тотал ёки субтотал эзофагэктомия ҳамда қизилўнгачнинг реконструкция босқичини қамраб олувчи турли бир вақтли операциялар тан олинган ва кенг жорий этилган (Royal Marsden, Лондон, Англия). Сўнгги йилларда қизилўнгач касаллигини хирургик даволаш бўйича кўплаб ютуқлар қўлга киритилган бўлса-да, касаллик учраши камайиши ва операциядан кейинги асоратлар оғирлик даражаси ҳамда ўлим ҳолатини ифодаловчи узоқ натижаларни қониқарли деб бўлмаслиги таъкидланган (Johns Hopkins Hospital, Мериленд, АҚШ). Касалликни эрта ташхислаш қийинлиги ва беморларнинг кеч мурожаат этиши натижасида кўпинча қизилўнгач ўсмаси операция қилинадиган пайтда резекция қилишга яроқсиз бўлиб қолиши ўрганилган (НИИ онкологии имени Н.Н.Петрова, Санкт-Петербург, Россия Федерацияси). Бугунги кунда қизилўнгач пластикасининг техник томонлари кенг тадқиқ этилган бўлса-да, бироқ операциядан кейинги асоратларни профилактикалаш ва даволаш бўйича юзага келувчи саволларга етарлича эътибор қаратилмаётганлиги ўлим ҳолати даражасига ўз таъсирини кўрсатиши аниқланган (Российский научный центр хирургии имени академика Б.В.Петровского, Москва, Россия Федерацияси).

Дунёда қизилўнгач касаллиги билан оғриган беморларни ташхислаш ва хирургик даволаш натижаларини яхшилаш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: қизилўнгачда ўтказиладиган реконструктив операцияларга операция олди тайёргарлиги стандартларини ишлаб чиқиш; эзофагогастропластика билан бир вақтда амалга ошириладиган қизилўнгач экстирпациясидан сўнг кузатиладиган операциядан кейинги турли асоратларни тизимлаш; қизилўнгач экстирпациясида ошқозондан трансплантатни шакллантиришнинг янги усулларини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. «Қизилўнгач касаллигини хирургик даволаш муаммоси етарли кенг ёритилган» ва Predescu I.[1], Bosetti C.[2], Черноусов А.Ф.[3], каби олимлар билан бир қаторда жаҳоннинг кўплаб йирик илмий-текшириш институтлари ҳамда клиникаларида ўрганилмоқда. Бугунги кунда кўплаб хирургик мактаблар қизилўнгачда амалга ошириладиган кўп босқичли операциялардан кўра ошқозоннинг катта эгрилигидан кесилган найчадан трансплантант сифатида фойдаланиб бир вақтли тикловчи операциялар ўтказиш самарали эканлигини тан олишмоқда. J.Ndoye [4] , М.И.Давыдов [5] ларнинг фикрича, «Қизилўнгачнинг мураккаб топографик-анатомик жойлашуви, пластика жараёнида кўкрак ва қорин бўшлиғини бир вақтда манипуляция қилиш зарурати реконструктив операцияларни сермеҳнат ва жароҳатли қилиб қўйиши сабабли юқори даражадаги хирургик техника ҳамда тиббий ходимнинг тайёрлигини талаб этади. Бироқ хирургнинг яхши тайёрлиги ва тажрибаси билан бир қаторда адекват анестезиологик, реанимацион кўмак, операциядан кейин касалларни саводли олиб бориш ҳам талаб этилади».

«Беморларни даволашнинг тактик-техник аспектларини такомиллаштириш билан бир қаторда операциядан кейинги асоратларни чуқур таҳлил қилиш, асоратлар ривожланиши профилактикаси, қизилўнгачда радикал операция амалга оширилган беморларнинг ҳаёт сифатини ўрганиш зарур» (Park J.Y.[6]). R.J.Korst[7] ва А.Ш.Арифжанов[8]лар томонидан амалга оширилган тадқиқот натижаларига кўра «операциядан кейин яқин даврдаги асоратлар специфик (қизилўнгач пластикаси билан бевосита боғлиқ) ва носпецифик (ёндош касалликларнинг зўрайиши, қўшни аъзолар жароҳати натижаси ва бошқалар) бўлиши мумкин». Специфик асоратлар сирасига трансплантант некрози, муваффақиятсиз анастомоз ва анастомознинг қуриб қолиши кабилар, носпецифик асоратларга эса юрак-қон-томир ва нафас олиш тизими томонидан бўладиган, йирингли асоратлар, хилотракс киради. Операциядан кейинги асоратларнинг катта қисмини бронх-ўпка (пневмония, ўпка ателактази, плеврит, плевра эмпиемаси) томонидан бўладиган асоратлар ташкил қилади. Турли муаллифлар томонидан берилган маълумотларга кўра ушбу асоратлар 19% дан

---

[1]Predescu I, Predescu D, Constantinoiu S. Postoperative functional result and quality of life after oesophageal reconstruction based on the type of cervicalanastomosis. Chirurgia (Bucur), 2015 Mar-Apr. 110(2). 109–16.

[2]Bosetti C., Levi F., Ferlay J. et al. Trends in oesophageal cancer incidence and mortality in Europe // Int. J. Cancer. 2008. Vol. 122. P. 1118–1129.

[3]Черноусов А.Ф., Хоробрых Т.В., Антонов О.Н. Профилактика недостаточности анастомозов желудочно-кишечного тракта. // Хирургия. 2005. № 12. – С. 25–29.

[4]NdoyeJ.M., DiaA., NdiayeA., FallB. etal. Arteriography of three models of gastric oesophagoplasty: the whole stomach, a wide gastric tube and a narrow gastric tube // Surg. Radiol. Anat. 2006. Oct. – V. 28. N5. – P. 429–437.

[5]Давыдов М.И., Бохян В.Ю., Степанов А.А. Хирургическое лечение больных раком грудного отдела пищевода // Вестник РОНЦ им. Н.Н.Блохина РАМН, 2010. №3. – С. 75–79.

[6]Park J.Y., Shin J.H., Song H.Y. et al. Airway complications after covered stent placement for malignant esophageal stricture: special reference to radiation therapy // Am. J. Roentgenol, 2012. Vol. 198 (2). P. 453–459.

[7]Korst RJ., Port J.L., Lee P.C. et al. Intrathoracic manifestations of cervical anastomotic leaks after transthoracic esophagectomy for carcinoma // Ann. Thorac. Surg. 2005. – V. 80. – P. 1185–1190.

[8]Арифжанов А.Ш., Назырова Л.А. Ибадов Р.А. Структурный анализ бронхолёгочных осложнений в раннем периоде после реконструктивно-восстановительных операций на пищеводе // Тезисы VI Конгресса хирургов Казахстана, 2008. – С. 25–26.

50% гача етади. Li B.[1] томонидан олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра бошқа «юрак-қон-томир асоратларининг кенг тарқалган гуруҳига 5–18,9% ҳолларда дуч келинувчи юрак етишмовчилиги, миокард инфаркт, ўпка артериясининг тромбоэмболияси ва шу кабилар киради». К.В.Павелеца [2] томонидан келтирилган маълумотларга кўра «сўнгги пайтларда ўлим ҳолати кузатилиши бирмунча камайган бўлса-да, барибир 3–7% атрофида тебраниб турибди». Ўлим ҳолатининг асосий сабаби кўпинча қизилўнгач анастомозининг яроқсизлиги бўлиб қолмоқда.

Олиб борилган тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, қизилўнгач касалликларини хирургик даволаш ва ташхислаш сифати сезиларли яхшиланди, бироқ эзофагопластикада трансплантатни шакллантиришнинг янги усуллари татбиқ этилиши, шунингдек, операциядан кейинги асоратлар профилактикаси бўйича даволаш чоралари оптимизацияси қизилўнгачда зарарли ва зарарсиз ўсма касалликлари бўлган беморларни даволаш натижаларини яхшилаш имконини беради.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти «Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази» АЖ илмий-текшириш ишлари, АТСС 3.4 «Қизилўнгач ва ошқозон кардияси касалликларида дисфагия синдроми диагностикаси, консерватив ва хирургик даволашга комплекс ёндашув ҳамда методик асосларини ишлаб чиқиш» ҳамда АДСС 15.3.5 «Ошқозон кардияси ва қизилўнгач реконструктив-тикловчи хирургиясида анастомозни шакллантириш методи аспектларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш» гранти лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қизилўнгач касаллиги билан оғриган беморларни периоператив даврда олиб бориш йўлларини такомиллаштириш, гастротрансплантатни шакллантиришнинг янги усулларини ишлаб чиқиш ва хирургик даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қизилўнгачнинг дастлабки патологиясига боғлиқ ҳолда гастроэзофагопластика билан бир вақтда қизилўнгач экстирпацияси бажарилганда операциядан кейинги асоратлар учраш тезлиги, характери ва сабабларини аниқлаш;

эзофагопластика билан бир вақтда қизилўнгач экстирпацияси бажарилганда специфик ва йирингли-яллиғланишли асоратлар таркибини аниқлаш;

---

[1] Li B., Xiang J., Zhang Y., Hu H., Sun Y., Chen H. Factors affecting hospital mortality in patients with esophagogastric anastomotic leak: a retrospective study. World J Surg. 2015 Dec 17.

[2] Павелец К.В., Медведев К.В., Лобанов М.Ю., Вавилова О.Г., Протченков М.А. Ближайшие результаты одномоментных операций при раке пищевода // Онкохирургия: Международный онкологический научно-образовательный форум. – СПб., 2010. – С. 117–118.

эзофагопластика билан бир вақтда қизилўнгач экстирпациясига мувофиқ операциядан кейинги асоратлар турли гуруҳини тизимлаштириш;

эзофагопластика билан бир вақтда қизилўнгач экстирпацияси операциясидан кейинги асоратлар учраши тезлигини камайтиришга йўналтирилган мажмуавий даволаш-профилактика чораларини ишлаб чиқиш;

эзофагопластика билан бир вақтда қизилўнгач экстирпациясида ошқозондан трансплантантни шакллантиришнинг янги усулларини ишлаб чиқиш ва клиник амалиётга татбиқ этиш;

эзофагопластикадан кейин унинг резервуар-эвакуаторлик функциясини ўрганган ҳолда оригинал усуллар орқали шакллантирилган гастротрансплантантнинг функционал ҳолатини аниқлаш;

таклиф этилган даволаш-профилактика чораларини эзофагопластика билан бир вақтда қизилўнгач экстирпацияси бажарилган операциядан кейинги асоратлар билан қиёсий солиштириш орқали самарадорлигини баҳолаш;

эзофагопластика билан бир вақтда қизилўнгач экстирпациясидан кейинги ўлим ҳолатлари сабаблари таркибини ўрганиш ҳамда уларни профилактика қилиш йўлларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 1991–2015 йилларда «Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази» АЖда қизилўнгач касалликлари билан оғриган ва стационар даволанишда бўлган 234 нафар бемор олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб гастроэзофагопластика билан бир вақтда қизилўнгач экстирпацияси бажарилган беморларни хирургик даволаш натижалари таҳлили ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда клиник, биокимёвий, инструментал, морфологик, статистик каби текширув усуллари қўлланилган.

Тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қизилўнгач пластикасидан кейин трансплантант некрози ва қизилўнгач анастомоз етишмовчилигига олиб келувчи асосий сабабларнинг ўзаро бир-бирига мураккаб боғлиқлиги аниқланган ва гастроэзофагопластиканинг асосий замонавий принциплари шакллантирилган;

қизилўнгачда реконструктив-тикловчи операциялардан кейинги асоратлар системалаштирилган ва бу ушбу касалликнинг мажмуавий профилактикаси ишлаб чиқилган;

эзофагопластика билан бир вақтда ошқозон катта эгрилигидан гастротрансплантантни шакллантиришнинг янги усули ишлаб чиқилган;

гастротрансплантантнинг ошқозон антрал қисмини сақлаган ҳолда резервуар-эвакуаторлик функцияси баҳоланган;

операциядан олдин беморларни олиб бориш, операциядан кейинги асоратлар ва ўлим ҳолатини камайтиришга йўналтирилган даволаш-профилактика чора-тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси:

ахалазия кардия, қизилўнгачнинг куйишдан кейинги чандиқли қуриши ҳамда стенозловчи рефлюкс-эзофагит каби қизилўнгачнинг зарарсиз қуришлари

кузатилган беморларда қизилўнгач экстирпациясини гастроэзофагопластика билан бир вақтда бажаришга кўрсатмалар аниқланган;

бронх-ўпка, специфик, йирингли-яллиғланишли, юрак-қон-томир, тромбо-эмболик, қон кетиши ва шу каби операциядан кейинги асоратлар турли мос гуруҳларга тизимлаштирилган;

антрал қисмнинг адекват резервуар-эвакуаторлик функциясини сақлаган ҳолда икки артериядан (ошқозон-сальникли ўнг ва ошқозон ўнг) озиқланувчи ошқозоннинг катта эгрилигидан гастротрансплантантни шакллантиришнинг янги оригинал усуллари ишлаб чиқилди ва клиник амалиётга татбиқ этилган;

эзофагопластикада гастроплантантни шакллантириш бўйича ишлаб чиқилган янги усуллар трансплантант некрози, қизилўнгач анастомози етишмаслиги, трансплантант чоклари каби операциядан кейинги қўрқинчли специфик асоратлар ривожланиш эҳтимолини сезиларли камайтириш имконини берган;

касалликнинг дастлабки патологияси характери, беморнинг аҳволи, соматик патологиялар билан бирга оғирлаштирувчи ҳолатлар ифодаланишини ҳисобга олган ҳолда қизилўнгач зарарли ва зарарсиз ўсмалари реконструктив-тикловчи операцияларидан кейинги асоратлар барча гуруҳи учун даволаш-профилактика чора-тадбирлар комплекси ишлаб чиқилди ва клиник амалиётга татбиқ этилган;

таклиф этилган даволаш-профилактика чора-тадбирлар комплексининг татбиқ этилиши барча гуруҳ операциядан кейинги асоратлар ривожланишини сезиларли камайтириш имконини берди, бу ўз навбатида қизилўнгачда реконструктив-тикловчи операциялардан кейинги ўлим ҳолатини камайтирган;

тадқиқот натижаларининг амалий соғлиқни сақлаш тизимига жорий этилиши қизилўнгач зарарли ва зарарсиз ўсмалари билан касалланган беморларни хирургик даволаш натижалари, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва шу орқали ушбу категория беморларининг ногиронлик ҳолатини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган тажриба натижалари билан мос келиши, тажриба маълумотлари статистик таҳлил қилинганлиги, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қизилўнгач касалликларини хирургик даволаш ва диагностикасини яхшилаш бўйича олинган натижаларни амалий тиббиётда, хусусан, режали ва шошилинч жарроҳлик бўлимлари иш фаолиятида қўлланилишидан иборат. Тадқиқотнинг қизилўнгач касалликларини хирургик даволаш ва ташхислаш бўйича алоҳида натижалари талабалар, шунингдек, магистрлар, клиник ординаторлар ва курсантлар ўқув дастурлари таркиби ва мазмунини такомиллаштиришда қўлланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти таклиф қилинган даволаш-профилактика чора-тадбирлар мажмуаси қизилўнгач касалликларини

хирургик даволаш натижаларини яхшилаши, операциядан кейинги асоратлар ва ўлим даражасини камайтириши, беморларнинг касалхонада ётиш даврини қисқартиришидан иборат. Ишлаб чиқилган ва клиник амалиётга татбиқ этилган антраль қисмнинг адекват резервуар-эвакуаторлик функциясини сақлаган ҳолда икки артериядан (ошқозон-сальникли ўнг ва ошқозон ўнг) озиқланувчи ошқозоннинг катта эгрилигидан гастротрансплантантни шакллантиришнинг янги оригинал усуллари операциядан кейинги асоратларни камайтириш ва даволаш чораларини яхшилашга хизмат қилади. Таклиф қилинган даволаш-профилактика чора-тадбирлар комплексининг татбиқ этилиши барча гуруҳ операциядан кейинги асоратлар ривожланишини сезиларли камайтириш имконини берди, бу ўз навбатида қизилўнгачда реконструктив-тикловчи операциялардан кейинги ўлим ҳолатини камайтирди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қизилўнгач эктирпацияси техникасини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий изланишларга асосан «Эзофагопластикада гастротрансплантатни шакллантириш усуллари» бўйича патент олинган (Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги №IAP 03872). Қизилўнгач касалликлари билан оғриган беморларга гастротрансплантатни шакллантиришнинг такомиллаштирилган усуллари қўлланиши операциядан кейинги специфик асоратларни 43% дан 11,6% гача камайтириш имконини берди;

ишлаб чиқилган гастротрансплантатни шакллантириш ва операциядан кейинги асоратларни профилактика қилиш дастури амалий соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хурургия маркази, Андижон ва Хоразм вилоятлари онкология диспансерларининг торако-абдоминал бўлимлари фаолиятига кенг татбиқ этилди (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 14 декабрдаги 8н-д/79-сон хулосаси). Бу қизилўнгачда реконструктив-тикловчи операциялардан кейинги ўлим ҳолатини 17,7% дан 7,7% гача камайтириш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан, 6 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 53 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан 1 та ихтирога патент олинган, 9 та республика ва 3 та хорижий журналларда Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этган илмий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Қизилўнгач касалликларини стенозловчи эзофагопластиканинг замонавий аспектлари»** деб номланган биринчи боби тўққизта бўлинмадан иборат бўлиб, илмий изланишлар натижаларининг таҳлили, қизилўнгач гастропластика билан экстирпация қилингандан кейин ривожланувчи асоратлар муаммоларига бағишланган ва жарроҳлик даволаш усули, ижтимоий-тиббий аспектлари адабиётлар таҳлили асосида ёритилган. Қизилўнгач зарарли ва зарарсиз ўсмалари билан оғриган беморларни даволашга бўлган замонавий қарашлар ва тарихий маълумотлар батафсил ёритилган. Дифференциацияланган хирургик тактика ва қизилўнгачда реконструктив-тикловчи операциялар натижаларини яхшилашга қаратилган ва келажакда ўрганиш ҳамда такомиллаштириш талаб этиладиган баҳсли, ўз ечимини кутаётган саволлар аниқланган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот материалининг клиник тавсифи ва тадқиқот усулларининг шарҳи»** деб номланган иккинчи бобида клиник материал ва фойдаланилган текширув усуллари тўғрисида маълумотлар берилган. Тадқиқот жараёнида қизилўнгач касаллигининг турли кўринишлари билан оғриган ва 1991–2015 йилларда «Академик В.Воҳидов номидаги ихтисослаштирилган хирургия маркази» акциядорлик жамиятида гастроэзофагопластика билан бир вақтда қизилўнгач субтотал экстирпацияси бажарилган 234 нафар беморнинг текшириш ва даволаш натижалари таҳлил қилинган. Беморлар ўзида текширишнинг умумий клиник ва махсус инструменталь усулларини мужассамлаштирувчи комплекс текширувдан ўтказилган.

Беморлар касаллик патологияси характерига кўра қуйидагича тақсимланган: қизилўнгач ўсмаси – 204 нафар (87,2%), ахалазия кардия 18 нафар (7,7%), куйишдан кейинги чандиқли торайиш – 6 нафар (2,55%) ва стенозловчи рефлюкс-эзофагит – 6 нафар (2,55%).

Ошқозондан трансплантантни шакллантиришнинг такомиллаштирилган техник аспектларидан фойдаланишга боғлиқ ҳолда жинси, ёши, касалликнинг дастлабки патологияси характери ва ёндош касалликларнинг намоён бўлишига кўра 234 нафар бемор икки қиёсий гуруҳга ажратилди ($p<0,05$).

Назорат гуруҳини 1991–2000 йилларда ошқозон ва қизилўнгач хирургияси бўлимида даволанган 79 нафар бемор, асосий гуруҳни 2001–2015 йилларда операция қилинган 155 нафар бемор ташкил этди. Ушбу гуруҳда

патент олинган ошқозондан трансплантантни шакллантирувчи янги оригинал усулдан, шунингдек, операциядан кейинги асоратларнинг такомиллаштирилган комплекс профилактикасидан фойдаланилди.

Диссертациянинг **«Қизилўнгач касалликлари билан оғриган беморларни даволашнинг клиник жиҳатлари ва дифференциация-лашган хирургик тактика»** деб номланган учинчи бобида қизилўнгач зарарли ҳамда зарарсиз ўсма касалликлари билан оғриган беморларни хирургик даволашга кўрсатманинг асосий жиҳатлари тақдим этилган. Беморларнинг қиёслаш гуруҳи ва қизилўнгач патологияси характерига кўра тақсимланиши 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Қизилўнгач патологияси характери ва гуруҳларга кўра тақсимланиш

Қизилўнгач патологияси характери	Назорат гуруҳи	Асосий гуруҳ	Жами
Қизилўнгач ўсмаси	75 97,4%)	129(82,2%)	204(87,2%)
Ахалазия кардия III–IV босқичи	3(1,3%)	15(10,8%)	18(7,7%)
Куйишдан кейинги чандиқли торайиш	–	6(3,8%)	6(2,6%)
Стенозловчи рефлюкс-эзофагит	1(1,3%)	5(3,2%)	6(2,6%)
Жами	79	155	234(100%)

Гастроэзофагопластика билан бир вақтда қизилўнгач экстирпацияси бажарилган зарарли патологияли беморларнинг бундай устунлиги бир нечта факторлар билан боғлиқ:

1. Стастистик маълумотларга кўра қизилўнгач ўсмалари реконструктив-тикловчи операцияларни ўтказишга муҳтожлиги билан барча қизилўнгач патологиялари орасида биринчи ўринда туради. Бинобарин, зарарсиз торайишларга қараганда қизилўнгач ўсмаси бўлган беморлар априорида кўп.

2. Замонавий миниинвазив (бужлаш, дилатация) ва эндоскопик (дилатация, эндоскопик бужлаш, диатермотуннелизация, стентлаш) технологиялар зарарсиз торайиши бўлган беморларни нафақат бевосита, балки ушбу категория беморларини инструменталь даволашнинг узоқ натижаларини сезиларли яхшилаш имконини берди. Бинобарин, қизилўнгачнинг зарарсиз торайишига шартланган дисфагияни хирургик тузатишга муҳтож беморлар сони сезиларли камайди.

3. Тадқиқот жараёнида олинган натижалар ва адабиётлар маълумотларига асосан шуни қатъий таъкидлаш мумкинки, қизилўнгач зарарсиз торайишлари орасида (қизилўнгачнинг куйишдан кейинги чандиқли торайиши (ҚККЧТ), III–IV босқичлардаги ахалазия кардия, стенозловчи рефлюкс-эзофагит) жуда кўпчилик беморлар куйишдан кейинги чандиқли торайиш туфайли хирургик даволанишга муҳтож. Қизилўнгачда куйишдан кейинги чандиқли торайиши бўлган беморларда гастроэзофагопластика билан бир вақтда қизилўнгач экстирпациясини бажариш ўзига хос хусусиятга эга. Бу операциянинг ушбу варианти кўрсатмаларини чегаралашга тегишли

бўлиб, шунингдек, кўпинча ошқозондан трансплантатни шакллантиришнинг иложи йўқлиги билан ҳам боғлиқ.

Агар беморларда қизилўнгач ўсмаси бўлса, қизилўнгач экстирпациясига кўрсатма ҳеч қандай гумонга асос бўлмайди, аммо зарарсиз ўсмалар торайишига нисбатан бундай ёндашувга рухсат этилмайди. Зарарсиз торайиши бўлган беморларда гастроэзофагопластика билан бир вақтда қизилўнгач экстирпациясига кўрсатмалар жамланмаси 2-жадвалда берилган. Жуда кўпчилик ҳолатларда зарарсиз ўсмалар торайиши бўлган беморларни хирургик даволашга бўлган кўрсатмалар самарасиз якунланган ёки дилатация ва бужирлаш каби каминвазив аралашувларни олиб бориш имкони бўлмаган.

2-жадвал

Қизилўнгач зарарсиз торайишларини хирургик даволашга кўрсатма

Хирургик даволашга кўрсатмалар	Қизилўнгач патологияси			Жами
	Ахалазия	ҚККЧТ	СРЭ	
Кардиодилатациянинг самарасизлиги	6	–	–	6 (20%)
Кардиодилатациянинг имконсизлиги	12	–	–	12 (40%)
Бужлашнинг имконсизлиги	–	2	–	2 (6,7%)
Бужлашнинг самарасизлиги	–	–	2	2 (6,7%)
Бужлашдан кейинги тез-тез рецидив	–	1	3	4 (13,3%)
Чандиқли торайиш малигнизацияси	–	3	–	3 (10%)
Баррет қизилўнгачи	–	–	1	1 (3,3%)
Жами	18	6	6	30 (100%)

Ушбу бобда қизилўнгач зарарли ва зарарсиз ўсма касалликларига хирургик аралашувларнинг қуйидаги алоҳида жиҳатлари атрофлича ёритилган: қизилўнгачнинг мураккаб топографик-анатомик жойлашуви; қизилўнгач патологияси бўлган беморларнинг дастлабки оғир аҳволи; анестезиологик қўлланманинг мураккаблиги; хирургик ёндашувларнинг турли-туманлиги; қизилўнгачда реконструктив-тикловчи операциялар ўтказилишининг мураккаблиги; интра- ва операциядан кейинги асоратлар хатари ҳамда қизилўнгачда реконструктив-тикловчи операциялардан кейин ўлим ҳолати учрашининг юқорилиги.

Диссертациянинг **«Қизилўнгачда реконструктив-тикловчи операциялардан кейинги асоратлар характери ва уларни профилактикалаш йўллари»** деб номланган тўртинчи бобида қизилўнгач хирургиясидаги асоратлар ёритилган. Бугунги кунга қадар операциядан кейинги асоратларнинг умумқабул қилинган таснифи йўқ, берилган таснифларнинг кўпчилиги уларнинг турли-туманлигини яққол кўрсатади. Бироқ улар қизилўнгач операциясидан сўнг юзага чиқувчи барча хавф

гуруҳларини акс эттирмайди. Ушбу тадқиқот жараёнида шунга амин бўлиндики, қуйидаги барча операциядан кейинги асоратларни бир нечта гуруҳларга бирлаштириш ва тизимлаштириш, ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг оптимал мажмуавий профилактикасини клиник амалиётга татбиқ этиш зарур: специфик, бронх-ўпка, йирингли-яллиғланишли, юрак-қон-томир, тромбо-эмболик, қон кетиши ва бошқа асоратлар.

Қуйидагилар ушбу гуруҳ асоратларининг асосий ривожлантируччи факторлари ҳисобланади: беморнинг дастлабки оғир аҳволи, ёндош патологияларнинг клиник муҳим юқори частотаси, клиник аралашувларнинг давомлилиги ва жароҳатлилиги, шунингдек, операциядан кейинги даврда оғриқ синдромининг ифодаланиши.

Юқорида баён этилганларга биноан тадқиқот жараёнида қизилўнгачда реконструктив-тикловчи операциялар натижаларини яхшилашга қаратилган асосий гуруҳда барча босқич беморларини даволашга йўналтирилган операциядан олдинги комплекс даволаш-профилактика чоралари ишлаб чиқилди, амалиётга татбиқ этилди ҳамда электрон-ҳисоблаш машиналари учун дастурлар – DGU 03653 «Қизилўнгачда реконструктив-тикловчи операцияларда профилактика ва даволаш тактикасини танлаш дастури» расмий рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақида гувоҳнома олинди (2016 йил 11 апрель). Ушбу комплекс қуйидаги бандлардан ташкил топган:

I. Операция олди тайёргарликларни оптималлаштириш. Таклиф этилаётган комплексга биноан бронх-ўпка асоратлари профилактикасида (нейбулазер терапия, нафас машқи); йирингли-септик профилактика (антибактериал терапия); тромбо-эмболик асоратлар профилактикаси (операциядан 12 соат олдин кам молекулярли гепарин, пастки қисмларни эластик компрессия қилиш); сувли-электролитли, гиповолемия, гипопротеинэмия бузилишларини тузатиш; аниқланган ёндош патологияларни тузатишларни қамраб олади.

II. Анестезиологик қўлланмани оптималлаштириш: комбинирланган, умумий ва узайтирилган эпидураль аналгезия беморнинг эрта экстубациясига таъсир кўрсатувчи наркотик препаратлар ва миорелаксантлардан фойдаланишни камайтириш имконини беради; интраоперацион небулайзер терапия (бронх-ўпка асоратлари профилактикаси); торакал киришда ўпкаларни алоҳида интубация қилиш қизилўнгач мобилизациясида ортиқча жароҳатланишдан қочиш имконини беради; ёндош патологияларни интраоперацион тузатиш гемодинамика, нитратларни жорий қилиш, операция олди даврда ташхислаш ва тузатиш бошланган босқичда ташхисланган ёндош патологияга боғлиқ ҳолда нейбулазер терапияни ўтказиш кўрсаткичларини стабиллаштиришга йўналтирилган.

III. Хирургик қўлланмани оптималлаштириш қуйидаги специфик асоратларни камайтиришга йўналтирилган: хирургик мос йўлни танлаш; пластика учун мос материал танлаш; қизилўнгач анастомозининг шаклланиш даражасини аниқлаш.

IV. Операциядан кейинги олиб боришни оптималлаштириш операциядан олдинги даврда бошланган барча гуруҳ асоратлари профилактикаси, кўрилган чоралар давомини қамраб олади.

Диссертациянинг «**Гастротрансплантатни шакллантириш усулларини такомиллаштириш**» деб номланган бешинчи бобида тотал эзофагопластика учун ошқозон катта эгрилигидан гастротрансплантатни шакллантиришнинг оригинал усуллари техникаси хусусиятлари ёритилган.

Ошқозон ва қизилўнгач хирургияси бўлимида айрим маҳаллий усуллар етишмаслиги таҳлилига асосан тадқиқот жараёнида янги оригинал усул таклиф этилди ва ушбу ихтиро учун «Қизилўнгач пластикасида ошқозондан трансплантатни шакллантириш усуллари» ЎзР 2711-сон 19.06.1995 йилдан патент олинди. Ушбу усул ғояси учун қуйидаги кузатишлар хизмат қилди: трансплантантни шакллантириш жараёнида кичик эгрилик тугунли чок билан икки қаторли қилиб тикилганда анча қўпол ички милк ҳосил бўлади. Бу эса яратилган ошқозон найчаси қон билан яхши таъминланишига қарамасдан етарлича узунликка эга бўлмаслигига олиб келади. Ушбу ихтиронинг бошқалардан фарқловчи асосий жиҳати шундаки, дастлаб сероз ва мускул девори кесилади, шиллиқ ва шиллиқости қатламга УКЛ–60 аппарат чоки қўйилади, шундан кейин кўрсатилган қатламлар скальпелда ёрилади. Натижада ошқозон қатламлари прецизион тикилганда қўпол деформацияланган милк ҳосил бўлиши кузатилмайди ва ошқозон шиллиқ қавати чўзилиши ҳисобига шакллантирилаётган трансплантат проксимал қисми қон билан таъминланиши ёмонлашмаган ҳолда 6–7 см га чўзилади. Бироқ ошқозоннинг барча бўлимларидан фойдаланиш трансплантатни резервуарлик хусусиятидан мосуво қилади, шунингдек, барибир специфик асоратлар учрашининг юқори тезлиги, тажрибалар йиғиндисида уларнинг ҳисоби сезиларли камайса-да, етарлича сақланиб қолади.

Кўрсатилган етишмовчиликларни истисно этиш учун ушбу тадқиқот жараёнида гастротрансплантатни шакллантиришнинг янги усули ишлаб чиқилди, клиник амалиётга татбиқ этилди ҳамда ушбу ихтирога Ўзбекистон Республикаси IAP 03872-сон «Эзофагопластикада гастротрансплантатни шакллантиришнинг усули» (З.М.Низамходжаев, Р.Е.Лигай ҳаммуаллифликда) патент олинди.

Трансплантатни шакллантириш босқичлари кўпинча олдин тақдим этилган прецизион усуллардан деярли фарқ қилмайди, бироқ айрим ўзига хос фарқларга эга:

1. Қўшимча равишда ошқозон ўнг артерия асосий стволи сақлаб қолинади, бу эса гастротрансплантат васкуляризациясини аҳамиятли яхшилаш имконини беради.

2. Ошқозон найчасининг бошқа қисмлари (2–3см) билан солиштирилганда гастротрансплантатнинг проксимал қисми 4 см энлиликда шаклланади.

3. Ошқозон кичик эгрилигини ёриш резервуар ролини бажарувчи ошқозон антраль қисмининг анатомик бутунлиги сақланган ҳолда привратникдан 7 см баландликда бошланади.

Қуйида берилган ошқозон мобилизацияси схемаси ва трансплантатни шакллантириш жараёни кўрсатилган 1-расмдан ҳам кўриш мумкинки, қон билан таъминланиш иккита артерия орқали амалга оширилади: ошқозон-сальникли ўнг ва ўнг ошқозон, бу ижобий маънода трансплантат васкуляризациясида кўринади. Бундан ташқари резервуар ролини бажарувчи ошқозон антраль қисмининг анатомик бутунлиги сақланади. Шундай қилиб, ошқозон катта эгрилигидан резервуар-эвакуаторлик функцияси ва адекват қон билан таъминланиши сақланган ҳолда изоперистальтик найчанинг керакли узунлиги шакллантирилади. Таклиф этилган ошқозон катта эгрилигидан сунъий қизилўнгачни шакллантириш усули 2–4-расмларда кўрсатилган.



1-расм. Трансплантатни шакллантиришда ошқозон мобилизацияси схемаси.

Ошқозоннинг одатдаги резервуарлик функциясини сақлаб қолишга уриниш гастротрансплантатни шакллантиришнинг янги усулини яратиш мақсадларидан бири бўлди. Трансплантатнинг мотор-эвакуаторлик функцияси рентгенологик и радиоизотоп текширишлар ёрдамида тадқиқ этилди (5-расм). Бунда трансплантатнинг дисталь қисмида контрастнинг ушланиш даражаси, шунингдек, привратник орқали барий эвакуацияси характери намоён бўлди. Тадқиқот жараёнида кашф этилган усул орқали трансплантат шакллантирилган барча беморларда 30–45 минут давомида эвакуациянинг порцияли-ритмик тури аниқланди, бир соатгача бўлган муддатда кўпинча контрастлашиш кузатилди, ошқозоннинг антраль бўлими ҳисобланувчи ошқозон найчаси дистал қисмининг бирмунча кенгайган қисми белгиланди.



2-расм. Ошқозон-сальникли ўнг ва ошқозон ўнг артерияси сақланган ҳолда ошқозон мобилизацияси ўтказилади. Иккита қисқич орасидаги ошқозон кичик эгрилиги привратникдан 6–7 см баландликда катта эгриликка перпендикуляр йўналтириб ёрилади (ошқозон антраль қисмининг анатомик бутунлиги сақланади).



3-расм. Катта эгриликка параллел қўйилган қисқич остида катта эгрилик томонга ажратилувчи сероз-мушак қатлами ёрилади ва аппарат (УКЛ–60) учун «майдонча» яратилади, шу билан бирга ошқозоннинг шиллиқ ва шиллиқости қатлами тикилади.



4-расм. Кейин шакллантирилаётган ошқозон найчаси чўзилади ва перитонизацияловчи сероз-мушак чоклари қўйилади. Шу тахлит гастрорансплантатнинг чўзилишига эришилади. Гастрорансплантатни шакллантириш ошқозон ичига йўналтирилган ҳолда давом этади, лекин сунъий қизилўнгач учи яқинида сўнгги кенглик 1–2 см кенгроқ қилинади.



5-расм. Гастротрансплантатнинг рентгенологик ва радиоизотоп харитаси.

Диссертациянинг «**Қизилўнгач касалликларини хирургик даволаш натижаларининг қиёсий характеристикаси**» деб номланган олтинчи бобида интра- ва операциядан кейинги асоратлар, шунингдек, тадқиқотнинг қиёсланилаётган гуруҳларида қизилўнгач дастлабки патологияси характерига боғлиқ ҳолда ўлим ҳолати сабабларининг қиёсий таҳлили келтирилган.

Қизилўнгач экстирпацияси жараёнида 234 нафар бемордан 60 нафарида интраоперацион асоратлар аниқланди ва бу ҳолат 25,6% ни ташкил этди. Шу билан бирга қизилўнгач ўсмаси бўлган 204 нафар бемордан 51 нафарида (25%), зарарсиз торайишлари бўлган 30 нафар бемордан 9 нафарида (30%) ривожланди. Бироқ интраоперацион асоратлар учрашини қиёсий баҳолаш натижалари қизилўнгач зарарли ва зарарсиз патологиялари орасида ишончли фарқ йўқлигини кўрсатди (χ^2=1,041; p=0,3095).

Тадқиқот жараёнида гастроэзофагопластика билан бир вақтда қизилўнгач экстирпацияси интраоперацион асоратлар характери қуйидагича таҳлил қилинди: қораталоқ шикастланиши 10 нафар (15,8%), умуртқа ва кўкрак орасидан қон кетиши 6 нафар (2,6%), медиастиналь плевра шикастланиши 37 нафар (15,8%), трахея ва бронхнинг шикастланиши 1 нафар (0,4%), кўкрак лимфа йўли шикастланиши 2 нафар (0,8%) ва ёшга боғлиқ асабларнинг шикастланиши 4 нафар (1,7%) беморда ривожланиши кузатилди.

Интраоперацион асоратларни қиёсий баҳолаш асосий гуруҳда улар сони 35,4% дан (назорат гуруҳи) 20,6% га ишончли (χ^2=8,625, p=0,003317) камайганлигини кўрсатди.

Диаграммада (6-расм) беморларда операциядан кейинги энг кўп учровчи асоратлар ичида бронх-ўпка асоратлари олдинги ўринда (109 нафар, 46,6%) туриши, сўнг специфик (52 нафар, 22,2%), йирингли-яллиғланишли (43 нафар, 18,4%), юрак-қон-томир (24 нафар, 10,3%), бошқа асоратлар (14 нафар, 5,9%), тромбо-эмболик (13 нафар, 5,6%), қон кетиши (7 нафар, 2,9%) каби асоратлар кузатилиши келтирилган.

6-расм. Гасстропластика билан қизилўнгач экстирпация қилингандан кейинги асоратлар учраши тезлигини қиёсий баҳолаш.

Қизилўнгач дастлабки патологиясига боғлиқ ҳолда операциядан кейинги асоратлар характери ўрганилганда (3-жадвал) уларнинг нозологиядан ривожланиш фарқини аниқ кўрсатди. Бунда қизилўнгач ўсмаси бўлган беморларда операциядан кейинги асоратлар учраши кўпроқ кузатилди.

3-жадвал

Операциядан кейинги асоратлар таркиби таҳлили

Операциядан кейинги асоратлар характери	Қизилўнгач ўсмаси (n=204)	Ахалазия (n=18)	ҚККЧТ (n=6)	СРЭ (n=6)	Жами (n=234)
Специфик	48(23,5%)	2(11,1%)	–	2(33,3%)	52(22,2%)
Бронх-ўпка	101(49,5%)	4(22,2%)	2(33,3%)	2(33,3%)	109(46,6%)
Йирингли-яллиғланишли	41(20,1%)	1(5,6%)	–	1(16,7%)	43(18,4%)
Тромбо-эмболик	13(6,4%)	–	–	–	13(5,6%)
Юрак-қон-томир	24(11,8%)	–	–	–	24(10,3%)
Қон кетиши	7(3,4%)	–	–	–	7(3%)
Бошқа асоратлар	14(6,9%)	–	–	–	14(5,9%)

Қиёсланилаётган гуруҳлардаги операциядан кейинги асоратлар характери таҳлили ўтказилди (4-жадвал).

4-жадвал

Операциядан кейинги асоратлар характерининг қиёсий таҳлили

Операциядан кейинги асоратлар характери	Назорат гуруҳи (n=79)	Асосий гуруҳ (n=155)	Ишончлилиги
Специфик асоратлар	34(43%)	18(11,6%)	p<0,001
Бронх-ўпка асоратлари	54(68,3%)	55(35,5%)	p=0,001
Йирингли-яллиғланишли асоратлар	31(39,2%)	12(7,7%)	p<0,001
Тромбо-эмболик асоратлар	6(7,6%)	7(4,5%)	p=0,330
Юрак-қон-томир асоратлари	14(17,7%)	10(6,5%)	p=0,007
Қон кетиши	5(6,3%)	2(1,3%)	p=0,032
Бошқа асоратлар	7(8,9%)	7(4,5%)	p=0,185

Статистик таҳлилга кўра назорат гуруҳида бронх-ўпка асоратлари 68,3% ривожланган бўлса, асосий гуруҳда бу кўрсаткич ишончли 35,5% (χ^2=22,72; p=0,001)га, специфик асоратлар ишончли 43% дан 11,6% (χ^2=29,9; p<0,001)гача, йирингли-яллиғланишли асоратлар ишончли 39,2% дан 7,7% (χ^2=34,61; p<0,001)гача, юрак-қон-томир асоратлари ишончли 17,7% дан 6,5% (χ^2=7,221; p=0,007)гача камайди.

Специфик асоратлар сирасига кирувчи эзофагогастроанастомоз (ЭГА) чокларининг етишмовчилиги, гастротрансплантат (ГТ)нинг тотал ва уч қисми некрози, шунингдек, гастротрансплантат чоклари етишмовчилиги, айниқса, хавфли ҳисобланади (5-жадвал).

5-жадвал

Операциядан кейинги специфик асоратларнинг таркибий таҳлили

Специфик асоратлар характери	Қизилўнгач ўсмаси (n=204)		Ахалазия (n=18)		ҚККЧТ (n=6)		СРЭ (n=6)		Жами (n=234)	
	НГ n=75	АГ n=129	НГ n=3	АГ n=15	НГ n=0	АГ n=6	НГ n=1	АГ n=5	НГ n=79	АГ n=155
ЭГА етишмовчилиги	27 36%	14 10,8%	1 33,3%	1 6,7%	0	0	1 100%	1 20%	29 36,7%	16 10,3%
ГТ некрози	1 1,3%	–	–	–	–	–	–	–	1 1,3%	–
ГТнинг якуний некрози	2 2,6%	1 0,8%	–	–	–	–	–	–	2 2,5%	1 0,6%
ГТ чоклари етишмовчилиги	2 2,6%	1 0,8%	–	–	–	–	–	–	2 2,5%	1 0,6%
Жами	32 42,7%	16 12,4%	1 33,3%	1 6,7%	–	–	1 100%	1 20%	34 43%	18 11,6%

Назорат гуруҳида (НГ) ЭГА етишмовчилиги 29 нафар (36,7%) беморда кузатилди. Гастротрансплантатни шакллантиришнинг такомиллаштирилган усули татбиқ этилганлиги туфайли асосий гуруҳда (АГ) ишончли 10,3% гача (χ^2=23,46; p=0,001) муваффақиятсизликка учраш частотаси камайтирилди. Назорат гуруҳида гастротрансплантатнинг тотал некрози 1 нафар (1,3%) беморда кузатилди, асосий гуруҳда эса ушбу асорат бирорта ҳам кузатилмади. Гастротрансплантатнинг уч қисми некрози назорат гуруҳида 2 нафар (2,5%) беморда кузатилди, асосий гуруҳда эса ушбу асорат учраши 0,6% гача камайди. Трансплантат некрози ва унинг чоклари етишмовчилиги асоратлари бўйича бу каби кам сонли ишончли статистик маълумотларни олишнинг иложи бўлмади. Бироқ такомиллаштирилган ушбу усул туфайли энг қўрқинчли асорат – трансплантат некрози асоратлари натижалари яхшиланганлигини ҳам инкор этиб бўлмайди.

Барча специфик асоратларни умумлаштирган ҳолда қуйидаги маълумотлар олинди: назорат гуруҳида специфик асоратлар 34 нафар (43%) беморда учради, асосий гуруҳда эса гастротрансплантатни шакллантиришнинг такомиллаштирилган янги оригинал усули татбиқ этилганлиги туфайли ушбу асорат учрашини 11,6% гача ишончли (χ^2=29,9; p<0,001) тўрт баробар камайтиришга эришилди.

